



# Поётга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 25 март, пайшанба • 13 (3541)-сон

Юртимизда Наврўз тантаналари давом этапти. Тиббий хизмат подполковниги Дониёр Юсупов сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада байрам ўзига хос нишонланди. Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулотида «Обод» маҳалласи отахонлари таклиф этилди.



Тадбир

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Пойтахтимизда республика Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида минтақавий амалий анжуман ўтказилди. Анжуман ҳуқуқ мавзусида қалам тебратаётган журналистларнинг бурч ва масъулияти мавзусига бағишланди.

Анжумани республика Конституциявий суди раиси Б. Мустафоев очди. У Конституциявий суднинг тузилиши, таркиби ҳамда вазифалари, шунингдек, суд – ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи ходимлар олдида қўйиладиган талаблар, бу борада Конституциямизда акс этган қонунлар ҳақида батафсил тўхталди. Нотиқ суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бундан қўзланган мақсад ва вазифаларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ҳақида ҳам гапириб, жумладан шундай деди.

– Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу масалага демократия қарор топган давлатларда жуда катта эътибор берилди. Уларда одил судловнинг транспарентлиги деган тушунча мавжуд. Транспарентлик деганда очиқлик, суд фаолиятининг ошкоралиги тушунилади. Яъни, одамлар, кенг жамоатчилик нафақат одил судлов, суд ҳокимияти мавжудлигини билиши, балки унинг ишини кўришлари, доимо кузатиб боришлари, лозим бўлганда, унинг ишида иштирок этишлари керак. Одил судловнинг транспарентлиги шунчаки истак эмас, халқро ҳужжатларда белгиланган талабдир. Бу вазифани фақат оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириш мумкин...

Бугунги таркибдаги ташкилотлар ҳамкорлигида аввал ҳам оммавий ахборот воситаларининг суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги вазифаларига бағишланган қатор анжуманлар ўтказилди. Айни шу мавзу танланганининг сабаби, биринчидан, оммавий ахборот воситалари ҳар бир юрдошимизга бевосита етиб бориш имконига эга. Иккинчидан, суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланишидан нафақат суд органлари, судьялар, балки бутун жамият манфаатдордир. Шундай экан, бу ишда айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексизлигини ҳисобга олиб, уларнинг бевосита иштирокисиз бу муаммо ечилишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Кенг жамоатчилик, бутун халқимиз билан давлат идораларининг бу борадаги ҳаракатлари уйғунлашмас экан, ижобий натижа кутиш қийин. Ана шу ҳаракатларни уйғунлаштиришнинг катта қисми оммавий ахборот воситаларининг зиммасига юкланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТИЛАКЛАР ИЖОБАТ БЎЛСИН

Улар йигилганларга Наврўзнинг тарихи, у билан боғлиқ қадимий удумларимиз ҳақида гапириб бердилар. Айниқса, кўкламнинг тансиқ таоми – сумалакнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоят, айёмнинг қайси кун келишига қараб йилнинг қандай бўлиши тўғрисидаги халқ тақвимлари

кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Машғулот якунида жамоа раҳбари Дониёр Юсупов ташриф буюрган отахонларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг таклиф этилган меҳмонлар ва жамоа шахсий таркиби учун байрам дастурхони ёзилди. Отахонлар дуога қўл

очар эканлар, шу муборак, дориломон кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтиб, Наврўз юртимизга тўкин-сочинлик, файз-бароқа, тинчлик-хотиржамлик олиб келишини тиладилар.

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.

А. ТЕМИРОВ олган суратлар.



UCHINCHI «Поётга»  
gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV  LAM

## Тадбир

# БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учинчидан, телевидение, радио, газета ва журналлар орқали жамоатчилик суд ҳокимияти бўғинлари фаолиятига ўз муносабатини билдириш имкониятига эга. Кези келганда, жойларда бу борада амалга оширилаётган ишларни назорат қилиши ҳам мумкин.

Бинобарин, биз давлат, халқ манфаати йўлида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликка қарши курашда, мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашда, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини кўтаришда қаламқашлар, сўз усталари имкониятларидан фойдаланишимиз, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва судларнинг мустақиллигини таъминлашда "тўртинчи ҳокимият" кучига таянишимиз керак.

Республика ИИБ Тергов Бош бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов "Ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида республикамиздаги оммавий ахборот воситаларида очик-ошкора танқиднинг камлиги, танқидий мақолаларга муносабат ҳақида фикр билдирди. Шунингдек, анжуманда республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи И. Жасимов «Қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратининг ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик», республика Олий судининг судьяси Х. Ҳасанов "Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги", Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари Ш. Рўзиназаров "Ҳўжалик суди ва оммавий ахборот воситаларининг ислохотлар давридаги ҳамкорлиги, ўзаро бурч ва масъулият" мавзуларида маъруза қилдилар. Маърузаларда судьяларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқиши, айрим газеталарда судьялар ноҳақ танқид қилингани, жиноят ишининг кўрилиши ва уларда журналистларнинг иштирок этиш тартиби, чалғитувчи мақолалар бермаслик, сайёр суд ва туркум семинарларда ОАВ ходимларининг иштирокини таъминлаш каби масалаларда фикр юритилди.


"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталарининг бош муҳаррири Ф. Муҳиддинов, "Адолат кўзгуси" (Сирдарё вилояти) газетасининг муҳаррири Ф. Норматовлар сўзга чиқиб, суд ва вилоят матбуоти ҳамкорлигининг самараси, соҳага ихтисослашган газеталар олдидаги муаммолар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Республика Бош прокуратурасининг ходими, III даражали давлат адлия маслаҳатчиси Э. Абзалов оммавий ахборот воситалари томонидан етказилган маънавий зарарни ундириш, ушбу зарарни аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш, фуқаролардан қабул қилинаётган аризаларнинг кўриб чиқилишини яхшилаш ва уларни ОАВларда ёритиб борилиши каби масалаларга тўхталди. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий – сиёсий жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад анжуманда сўзга чиқиб, ОАВда чоп этилган баъзи мақолаларга нисбатан учраб қоладиган раддия бериш, мақолаларда ошқоралик масалалари хусусида гапирди.

Бундай анжуманларнинг ўтказилиши оммавий ахборот воситалари ва суд-ҳуқуқ тартибот тизими ўртасидаги ҳамкорликни яхшилаш, ушбу соҳадаги ислохотларнинг янада жадаллашуви, қонунларимизнинг кенгроқ тарғиб этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ошишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА

## Воқеалар, ҳодисалар, янгиликлар

**Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари республика ИИБ "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи меҳмони бўлишди.**



## БОЛАЖОНЛАРГА СОВГАЛАР

Болалар ИИБ Ички кўшинлар Бош бошқармасининг полковниги Г. Терзян раҳбарлигидаги кўргазмали-намунали оркестрининг тантанавор сардорлари остида ИИБ қошидаги Ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернати курсантларини қувноқ кайфиятда кутиб олишди. Уларнинг нигоҳи эгнидаги парад либоси ўзига ярашган, сафда шахдам қадам ташлаётган болаларга қаратилган эди.

Тантана иштирокчиларини республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, ис-

теъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов умумхалқ байрами – Наврўзи олам билан қизгин табриклади. "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Исахўжаев республика Ички ишлар вазирлиги номидан Меҳрибонлик уйларида совғалар топширди.

Шундан сўнг "Шодлик" ва "Хумо" бадиий-ҳаваскорлик тўғарақлари қизлари турли халқларнинг рақсларини ижро этдилар.

Ўз мухбиримиз.

А. ТЕМИРОВ олган сурат.

## ШИФОХОНАДА НАВРЎЗ ТАНТАНАСИ

Республика ИИБ Марказий госпиталида Наврўз байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Бу ерда даволанаётган беморлар – ички ишлар ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийлар учун ташкил этилган шодиёнанани очган ИИБ Ички кўшинлари кўргазмали-намунали оркестрининг бошлиғи, полковник Г. Терзян йиғилганларни байрам билан самимий муборакбод этди. Оркестрнинг тантанавор куйлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Гафаров, кўплаб кўрик-танловлар лауреати М. Остапчук, "Турон юлдузлари" гуруҳининг яккаҳон наандаси Ойпопук Эшонхонова, К. Мирсалиев

каби санъаткорларнинг шўх кўшиқларига уланиб кетди.

– Беморларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик учун ИИБ Тиббиёт бошқармаси ва Марказий госпиталь раҳбарларидан миннатдоримиз, – дейди тўлқинланиб даволанувчи, милиция сержанти Алишер Пўлатов.

Унинг дил сўзларини милиция катта сержантлари Э. Тешабоев, Э. Турдиев, милиция майори И. Мусурмонов, ички ишлар ходимларининг оила аъзоларидан М. Набиева, Н. Шодиева каби опахонлар ҳам қувватлашди.

Байрам сўнггида дастурхонга Наврўзнинг тансиқ таоми – сумалак ва палов тортилди.

Ўз мухбиримиз.

## НУКУСДА ШОДИЁНА

Шаҳар марказий истироҳат боғи амфитеатрида Наврўз тантаналари бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси раиси М. Ерняязов очиб, қатнашчиларни Наврўз билан қутлади. Туманлардан келган бадиий ҳаваскор хонандалар ва санъат усталари ижросида куй-кўшиқлар янграб, қорақалпоқ халқининг миллий урф-одатлари театрлаштирилган сахна кўри-нишларида акс эттирилди.

Амфитеатр атрофидаги кўчаларда ҳам сайлгоҳ ташкил қилинди. Маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари, масхарабозлар, қизиқчилар шодиёна қатнашчилари хизматида бўлди. Қурилган "қора уй"ларга ташриф буюрганлар қорақалпоқ халқининг меҳмондўстлигини юракдан ҳис қилишди. Байрам тантаналари кечгача давом этди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

## 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

## УЙ КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ

**Сурхондарё вилояти ИИБ жанговар сафарбарлик гуруҳи милиционери, милиция сафдори Салоҳиддин Бекмуродов 29 ёшида Узун ва Сарийоё туманларининг тоғли ҳудудларига суқулиб кирган террорчи-газандаларга қарши кураш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. У вафотидан сўнг "Жасорат" медали билан тақдирланган. Ҳозирда жасур посбон яшаган маҳаллага Салоҳиддин Бекмуродов номи берилган.**

Наврўзи олам кунларида С. Бекмуродовнинг Денов тумани Абдуқасим Каримов номи фермер хўжалиқлари бирлашмасида истиқомат қилаётган оиласига туман ҳокимлиги ва вилоят ИИБ раҳбарияти ташаббуси ҳамда молиявий кўмаги билан қуриб битказилган уй калитини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокими А. Эшмуродов, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов, туман ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Ҳомийлар томонидан қуриб битказилган олти хонали уй билан бирга рангли телевизор, қимматбаҳо совғалар ҳам берилди.

Э. Тўлаев.

**Булунғур шаҳридаги Охунбобоев номи маҳаллада яшовчи Қаршиевлар оиласи эл-улус орасида эътиборга эга. Гофур ака ва Умирхол ая ҳалол меҳнат билан беш нафар фарзандни вояга етказишди. Уларнинг барчаси комил инсон бўлиб улғайди ва ҳозирда ота-онага мададкор.**

## ҚЎШАЛОҚ ТЎЙ

Гофур ака 35 йил давомида Булунғур тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлинмасида самарали меҳнат қилиб, жамоанинг ҳурматига сазовор бўлди. Фарзандлар кўмагида Гофур ака ва Умирхол аялар савоб ишга қўл уришди. Маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларда яшаётган 21 боланинг хатна (суннат) тўйини ўтказишди. Мазкур тантанани нишонлашга туман ИИБ раҳбарияти ҳамда кўриқлаш хизмати бош-қош бўлди. Тадбирда туман ҳокими Х. Боймуродов сўзга чиқиб, барча номидан ушбу хонадон соҳибларига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Хатна тўйи яна бир ажойиб тантана билан уйғунлашиб кетди. Гофур аканинг онаси Робия момо ўша кунни табаррук 104 ёшга қадам қўйдилар. Онахон дуою фотиҳа қилиб, хатна қилинган болажонларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, юртимизга эса осойишталик ва фаровонлик тиладилар.

Ҳа, юртимизда саховатпеша инсонлар кам эмас. Уларнинг бориға шуқр. Чунки, дунё яхшилар билан ҳам обод, ҳам файзлидир.

Анвар ФУЛОМОВ,  
милиция майори.

## ИМКОНИАТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат ва эзгулик тимсоли бўлмиш Наврўз муносабати билан Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти хизмат жараёнида соғлигини

йўқотган ва вафот этган ходимларнинг оилаларига ёрдам бериш, фахрийларни зиёрат қилишни режалаштирган эди. Муборак байрам кунлари вилоятда истиқомат

қилаётган 22 нафар боқувчисини йўқотган, 31 нафар кам таъминланган ва 5 нафар иккинчи жаҳон уруши ногиронлари оилаларига ички имкониятлардан келиб чиққан

ҳолда мурувват кўрсатилди. Ногиронларга бепул дори-дармонлар ажратилди, айримларига даволаниш учун сиҳаттоҳларга йўлланма берилди.

Қ. КАРИМОВ,  
милиция капитани.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ЕР ОСТИ МАКОНЛАРИ

Покистонлик ҳарбийлар "Ал Қоида" жангариларига қарши жанговар операцияни давом эттиришяпти. Вазиристон вилояти ҳудудида улар тармоқлаб кетган, баъзилари икки километр гача етадиган ер ости йўлларини топишди. Жангарилар илгари ана шу йўллар орқали бир неча марта қамалдан чиқиб кетган

бўлишлари мумкин. Покистонликларни Афғонистондаги АҚШ қўшинлари қўллаб-қувватлашяпти. Кенг қамровли операция олди-дан жангариларга сўзсиз таслим бўлиш таклиф этилди. Аммо ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Жанговар ҳаракатлар бошланганида террорчилар гуруҳида 500 нафар-

га яқин киши бор эди. Кейинроқ юзга яқини асирга олинди, ўнлаб жангарилар ўлдирилди. Улар орасида турли миллат вакиллари, жумладан, чеченлар ҳам бор, деб тахмин қилинмоқда. Батафсил маълумотларни Покистон томони жанговар операция якунланиб, текширувлар ўтказилгач тақдим этмоқчи.

Террорчилар ҳамон қаршилиқни тўхтатганлари йўқ. Яқинда улар покистонликларнинг ҳарбий базасини ўққа тутишди, қоровулларга хужум қилишди.

## БИЗНЕСМЕНЛАРГА СУИҚАСД

Ироқда деярли ҳар куни кимдир жангарилар қурбонига айланяпти. Ё автомобиль портлатилади, ё иттифоқчилар ҳарбий базаларига хужум уюштирилади. Гоҳида мерган "ишга тушади".

Яқинда икки нафар фин бизнесмени ўлдирилди. Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Маркус Лиранинг айтишича, мамлакат делегацияси таркибига кирган бу ишбилармонлар мерган ўқидан ҳалок бўлишган.



## ҚИЗИЛ САЙЁРА СИРЛАРИ

Марсга кўнган "Opportunity" аппарати икки ой деганда ниҳоят чуқурдан чиқишга муваффақ бўлди. У янги

тадқиқотлар ўтказиш борасида буйруқни кутяпти. Хойнаҳой, яна тош пармалашига тўғри келса керак.

АҚШдаги реактив ҳаракатлар лабораторияси ходимларининг айтишларича, чуқурлиги уч, диаметри нақ 21 метр келадиган бу чуқурлик аппарат учун "сўнги манзил" бўлиши ҳам мумкин эди.


Яқиндаги уриниш ҳам зое кетганди.

Тупроқ бўш бўлгани учун тепага чиқай деб қолган "Opportunity" яна орқага

қараб кетди. Ниҳоят сўнги уриниш самарали бўлди. Бу сафар аппаратни бошқарувчи NASA мутахассислари унга спи-

ралсимон ҳаракатланишни буюрганди.

У чуқурдан чиқиб бир неча метрлар юргач, Ерга



Марснинг Меридиана платоси тасвирини юборди.

Эслатиб ўтамиз, аппарат шу йил 24 январда қизил сайёрага кўнганди. Икки ой давомида ўзи тушиб қолган чуқурлик-

дан кўплаб қизиқарли маълумотлар тўплади. Масалан, кўринишидан оддий бўлган бир тош шунчалик қаттиқ эканки, аппаратнинг пармаси ундан озгина ҳам ушатолмаган. Олимлар ҳайрон қолишди, чунки парма энг сўнги фантехника ютуқлари асосида ясалган эди. Бундан ташқари, чуқурлик тупроғининг таҳлили бу ерда қачондир сув ҳавзаси бўлганини кўрсатди.

"Opportunity"нинг кейинги топилмаси янаям диққатга сазовор. У Ерга узатган сўнги суратда акс этган мавжудот учар қуёнга ўхшаб кетади. Айрим шов-шувга ўч кишилар ҳатто NASA вакиллари кўпчиликдан бор ҳақиқатни яширишяпти деган фикрда...

## КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Бу воқеа АҚШнинг Индиана штатида юз берди. Болалар боғчасидаги тайёрлов гуруҳида машғулот ўтказилаётган эди. Бир бола ўз қаламдонидан оқ кукун олиб тенгдошларига кўз-кўз қила бошлади. Тарбиячиларнинг "бу нима?" деган саволига у "ун" дея жавоб берди. Дарҳол экспертизага юборилган ҳалиги кукун кокаин экани маълум бўлди. У ўн минг АҚШ долларига баҳоланмоқда. Тарбияланувчи ҳозирча болалар уйида сақланмоқда, унинг ота-онасини эса полиция қидиряпти.

## ЎЛИШ УЧУН... ТИРИЛГАН ЭКАН!

Россиянинг Владимир шаҳридаги вилоят касалхонасида реаниматор-шифокорлар тўртинчи уринишда клиник ўлим ҳолатидаги беморнинг юрагини ишга тушириб юборишди.

Шифокорларнинг "у ёқда" нималар кўрдиган, деган саволига жавобан умуман ҳеч нарса кўрмаганини айтди. Тирилишининг бирдан-бир сабаби қорни ўлгудай оч қолгани экан. "Марийская правда" газетасининг ёзишича, ҳамширалар югуриб-елиб унга егуликлар олиб келишган. Бемор иштаҳа билан салатни, кетидан карам шўрва, котлетли гречка бўтқасини паққос туширди, устидан икки стакан компот ичди, азбаройи маза қилганидан кулимсираб... яна кўзларини юмди. Фақат бу сафар ёруғ олам билан бутунлай видолашди.



## ВАЗИЯТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Ўтган ҳафтанинг сешанба куни албан миллатига мансуб икки боланинг ўлими минтақада миллатлараро келишмовчиликларга сабаб бўлган эди. Натижада 30 дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди, кўплаб одамлар тан жароҳати олишди.

БМТнинг Халқаро полицияси тартибсизликлар сабабларини ўрганмоқда. Жумладан, бедарак йўқолганлар аниқланяпти, вайрон этилган уй-жойлар кўздан кечирляпти. Халқаро полиция вакилининг сўзларига қараганда, вазият аста-секин изга тушмоқда.

## ТАЙВАНДАГИ САЙЛОВЛАР

20 март куни Тайванда бўлиб ўтган сайловларда мамлакатнинг ҳозирги Президенти Чень Шуйбян 50,11 фоиз овоз тўплади. Рақиби Лян Чан учун эса 49,89 фоиз сайловчи овоз берди.

Сайлов натижалари эълон қилинган, мамлакатда кўпминг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Одамлар сайлов бюллетенларини қайта санаб чиқишни талаб этишяпти.

## КОЛБАСАМИСАН КОЛБАСА

Кенигсберг – Калининград шаҳрининг 750 йиллик тўйига атаб маҳаллий гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар узунлиги 700 метр келадиган калбаса тайёрлашди. Бу озиқ-овқат "дурдонаси" устида уч уста ва 90 га яқин шогирд ишлади. Колбасани 80 киши зўрға кўтарди.

## ЯРАЛАНГАНЛАР ҲАМ БОР



Хабарларга кўра, "ХАМАС" террорчилик ташкилотининг диний етакчиси шайх Аҳмад Ясин Исроилнинг "Апач" вертолётидан ракета зарбалари бериб ўлдирилган. Шайхдан ташқари унинг икки тансоқчиси ва ташкилотнинг тўрт фаол аъзоси ҳам ҳалок бўлган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, яна йигирмага яқин киши турли даражада тан жароҳати олган.

## БЕМАВРИД ҚЎНҒИРОҚ

Ёлланма қотил Волгоград шаҳридаги пулли автомобиль сақлаш майдончаларидан бирида турган "Волга" машинасига портловчи қурилма ўрнатаётган пайтда радиотелефони жиринглаб қолди. У жавоб берсамми ё бермасамми, деб бир қарорга келиб улгурмасидан портлаш юз берди. Экспертларнинг айтишича, бунга радиотелефон кўнғироғининг портловчи қурилмага тасодифий таъсири сабаб бўлган.

## МУРОСАГА ЎРИН ЙЎҚ

Испанияда 14 март куни бўлиб ўтган парламент сайловларида Социалистик партия ғалаба қозонган эди. ЭТА террорчилик гуруҳи мамлакатнинг янги раҳбариятига музокаралар бошлашни таклиф этиб, хат йўллаган.

Социалистик партия матбуот котибининг билдиришича, бу таклиф рад этилган. Ҳукумат террорчилар билан ҳеч қандай муросага бормаслиги айтилган.

«Жасорат» медали соҳиблари

# «Остона» да отилган ўқ

Ўқ отилди...  
— Ота, у ўлди! — дея қичқирди Алижон.

— Нима қилиб қўдинг, Мардон? — деди яна кимдир.

— Яқинлашманглар! Акс ҳолда сизларни ҳам отиб ташлайман! — бақирди Мардон.

Қонга беланган профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Кўпалбой Отажонов инграганча юзтубан ерда ётарди...

Ота-боболаримиз азалдан «Ховли олма — қўшни ол», деганлар. Дарҳақиқат, қўшнинг яхши бўлса, умринг роҳатда ўтади. Ёмон бўлса, фиксу фасод, ғурбатдан бошинг чиқмайди.

Янгиариқлик икки қўшни — Мардон ва Олим узок йиллардан бери низолашиб, муроасага келишмасди. Бора-бора иккала оила аъзолари бир-бирлари учун душманга айланишди. Энди улар турли ташкилотларга шикоят хатлари ёза бошлашди. Бир гал Олим мардоннинг хонадони олдида ўтган ариқчага қувурлар ўрнатилса, бу сувдан кўпгина оилалар фойдаланиши мумкинлиги, лекин у сувни бировга бермаётгани ҳақида туман ҳокимлигига арз қилди.

2003 йил 23 сентябрь куни О. Бобожоновнинг аризаси мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Узок йиллик бу можарога барҳам бериш мақсадида «Остона» кишлок фуқаролар йиғини раиси Р. Хўжаев ва профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Кўпалбой Отажоновлар туман сув қурилиши идораси ходимлари билан биргаликда Мардоннинг уйи олди-

га келишди. Бироқ Мардоннинг ўғли Алижон уларнинг қаршига чиқиб: «Отам қувурларни ташламасликларингизни қаттиқ тайинлаб кетдилар» деди.

— Биз юқори ташкилотнинг кўрсатмасини бажараямиз, — деди кишлок оқсоқоли Р. Хўжаев. — Отанг билан ўзимиз келишамиз.

Автомашинадаги қувурлар пастга туширилган ҳам эдики, қаёқдандир Мардон пайдо бўлди.

— Мен сизларга нима дегандим! — дўқ ура бошлади у. — Қани, тезроқ қувурларни кўзимдан йўқотинглар!

Мардонга вазиятни тушунтиришнинг иложи бўлмади. Жаҳл отига минган мардон уйига югуриб кириб, ов милтиғини олиб чиқди.

— Қани, йўқолларинг! Акс ҳолда ҳаммаларингни отиб ташлайман! Уй меники. Унинг олдида хоҳласам ариқ очаман, хоҳласам текислаб ташлайман. Бу менинг ишим.

Вазиятнинг жиддий тус олаётганини пайқаган профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Кўпалбой Отажонов рация орқали туман ИИБ навбатчисига чиқиб, тезкор гуруҳни зудлик билан «Остона» ширкат хўжалигининг «Чақир» маҳалласи — Мардон Жуманиёзовнинг уйи олдида юборишларини сўради. Кўпалбой тезкор гуруҳ етиб келгунча Мардонни муроасага келтиришга уринди. Лекин кўзи қонга тўлган бу кимса унинг гапларини тинглашни ҳам истамасди. Аксинча, кутилмаганда профилактика инспекторининг юзига

қарата ўқ узди. Кўпалбой олган жароҳатидан йиқилди. Мардон ўлим билан олишаётган Кўпалбойнинг ёнига келиб, унга яна милтиқ ўқталди. Ўғли Алижон ва хотини Саломатлар Мардоннинг қўлидаги милтиқни тортиб олмоқчи бўлишди. Лекин удалдай олишмади. Шу пайт воқеа жойига «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Мардон шифокорларга бақирганча уй бурчагига ўтиб, милтиқни қайта ўқлай бошлади. Кўп ўтмай бу ерга Янгиариқ тумани ИИБ тезкор гуруҳи аъзолари етиб келишди. Мардон бу пайтда ўз уйига яшириниб олиб, яқинига ҳеч кимни йўлатмаётганди. Туман ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Жонибек Рўзметов у билан музокара олиб боришга ҳаракат қилди. Аммо қотил осонликча таслим бўлмаслиги, ким яқинлашса отиб ташлаши мумкинлигини қайта-қайта тақдорларди. Шу заҳоти вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари ҳамда алоҳида муҳим топшириқларни бажарувчи гуруҳ ходимлари ҳам етиб келишди. Бир зумда Мардон Жуманиёзовнинг хонадони қуршаб олинди. Саросимага тушган қотил милиция ходимларига қарата кетма-кет ўқ уза бошлади. Уч соатлик тезкор тадбирлар натижасида қотил қўлга олинди.

Одам қиёфасини йўқотган Мардон Жуманиёзов руҳан соғлом, тўрт нафар фарзанднинг отаси эди. «Мардон» фермер хўжалигига раҳбарлик қиларди. Бу кимсадаги манманлиги худ-



бинлик милиция катта лейтенанти Кўпалбой Отажоновдек мард, жасур, халқпарвар йигитни 35 ёшида ҳаётдан олиб кетди.

Суд мажлисида Кўпалбойнинг турмуш ўртоғи З. Бобожонова тўрт нафар фарзанди билан оиласини қон йиғлатиб, ота меҳридан жудо қилган бу қонхўр кимсага олий жазо беришини сўради. Бошқа жабрланувчилар ҳам Мардон ўлим жазосига лойиқ, деган фикрни айтишди. Жиноий ишлар бўйича Хоразм вилоят суди Мардон Жуманиёзовнинг жиноий хатти-ҳаракатларини одилона кўриб чиқиб, унга олий жазо тайинлади.

«Остона» кишлогидегилар Мардондек ваҳший кимсани узок йиллар нафрат билан эслашса, Кўпалбой каби халқ қалбидан муносиб жой олган фидойи жасур йигитни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.

Осойишталик йўлида жон фидо қилган Кўпалбой Отажоновнинг хизмати муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.

**Х. СОТИМОВ,**

жиноий ишлар бўйича Хоразм вилоят суди судьяси.

**Х. ЖАББОРОВ.**

Фармон ва ижро

Президентимизнинг 2003 йил 1 декабрдаги амнистия тўғрисидаги Фармонида асосан жойларда жазони ижро этиш муассасасидан муддатидан олдин озод этилган шахсларга шарт-шароитлар яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бўлганимизда бу борада талайгина саъй-ҳаракатлар қилинаётгани яққол кўзга ташланди.

— Худудимиздаги 12 та маҳаллада 40.000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман ИИБ ҲООб бошлигининг ўринбосари, милиция майори Азамат Зоиров. — Амнистияга кўра жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган тўққиз кишининг ҳаёти изга тушиб кетиши учун алоҳида гамхўрликлар кўрсатаёلمиз. Бу борада туман прокуратураси, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бўлиmlари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик яхши самара берапти. Ҳокимлик ҳузуридаги махсус комиссиялар билан биргаликда жазодан озод этилган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилиб, уларга паспорт олиш, рўйхатга қўйиш ҳамда ишга жойлаштиришда кўмаклашиляпти.

## «НАФИМ ТЕГАЁТГАНИДАН МАМНУНМАН»

Ҳозирда туман ИИБ жазони ижро этиш инспекцияси бўлинма бошлиғи, милиция майори Рашид Юлдошев, ҲООб профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенанти Абдор Жакшибаев, милиция катта лейтенанти Шариф Дадахўжаев ва бошқалар маҳалла фуқаролар йиғини раислари билан ҳар ҳафта якунида йиғилиб, бажарилган ишларни муҳокама қилишяпти. Аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни назорат қилиш бўйича «Бинокор» маҳалласида қилинаётган ишлар мақтовга лойиқдир. Бу худудда истиқомат қилаётганларнинг 30 фоизини ёшлар ташкил қилади. Маҳалла профилактика инспекторлари, милиция капитани Аъзам Маҳмудов ва милиция катта лейтенанти Раҳмон Йўлдошевлар амнистия туфайли озод этилган шахслар, вояга етмаган ҳамда тарбияси оғир ўсмирлар жиноят кўчасига кирмаслиги учун оилалардаги муҳитни ўрганиб чиқиб, уларга маҳалладаги обрўли кишилар, тадбиркорлар, муаллимларни бириктириб қўйишяпти.

— Бундан тўрт йил аввал диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб қолиб, озодликдан маҳрум этилган эдим, — деди «Обод» маҳалласида яшовчи Собир исмли йигит. — Ўша кезлари қилаётган ишим жиноят эканлиги, ўз халқимга қарши бораётганимни билмаган эканман. Уч йил давомида тиканли сим ортида ўтириб, озодлик, яқинларимнинг меҳр-муҳаббатини чуқур ҳис қилдим. Амнистия бўйича жазодан озод этилаётганлар орасида мен ҳам борлигимни билгач, қувончдан қай ҳолга тушганимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Ҳозирда туман ободонлаштириш бошқармасида ишляпман. Оз бўлса-да, одамларга нафим тегаётганидан мамнунман.

Жазони ижро этиш муассасаларидан амнистия бўйича озод этилган бошқа шахслар билан суҳбатлашганимизда улар ҳам қилмишларидан астойдил пушаймон эканликлари, кейинги ҳаётлари давомида эзгу ишлар билан машғул бўлишларини билиб беҳад қувондик. Бунда, албатта, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораётган туман ИИБ ходимларнинг муносиб ҳиссаси бор.

**М. САЙФИДИНОВА.**

Олотнинг кўз илғамас — олис «Дукур» чегара масканига етганимизда сокинлик ҳукмрон эди. Ҳамиша гавжум гўшалардан бу жойга келиб қолган киши ўзини бироз галати сезади. Вагон уй, хизмат ити, камтарона жиҳозлар ва чегара масканида хизмат қилаётган ходимлар...



## МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

— Туман маркази, кишлокларимиздан анча олисда бўлган ушбу пост туну кун сергаклик билан кўриқланади, — дейди ҳамроҳим, Олот тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция майори Ботир Муродов. — «Дукур» чегара маскани 1992 йили очилди. Чегарадан шундоқ нариёғи Туркманistonнинг Фароп тумани. Кўшнилари билан ўзаро алоқалар яхши бўлса-да, бундай масканларда хизмат қилиш ўта масъулиятлидир. Ҳар икки томондан олиб чиқилаётган ва олиб кириляётган товармоддий бойликлар ҳамда тижорат мақсадида ёки меҳмон бўлиб келаётган, кетаётган фуқаролар ҳужжатларининг қонунийлигини текшириш каби кўплаб юмушлар ходимларимиз зиммасида.

Сиртдан сокин кўринса-да, бундай че-

гара масканларида хизмат қилиш чиндан ҳам масъулиятли. Туман ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаси взвод командири ўринбосари, милиция старшинаси Ботир Чўлпиев бу борада тажрибали, ёшларга ўрнатилган ходимлардан ҳисобланади. У узок йиллардан буён ўзига топширилган ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажариб, хизмат соҳасида яхши натижаларга эришмоқда.

**Ражаббой РАУПОВ.**

Суратда: «Дукур» чегара масканида хизмат қилаётган милиция старшиналари Ботир Чўлпиев (ўртада), Нурали Жўраев ва милиция катта сержанти Ҳабибулла Бақоевлар «Линда» лақабли хизмат ити билан.

Муаллиф олган сурат.

Олов — тилсиз ёв

## БОЛАЛАРНИНГ АЙБИ НИМА?

Аланга озгина эътиборсизлик қилинса, у албатта ўз жиловидан чиқиб, ёнгинга айланади. Ёнгинни эса ўта хавфлигини била туриб, кўпинча бунга эътибор бермаймиз, бепарволик қиламиз.

Тахлилларга кўра шу йилнинг ўтган даври давомида республикамиз худудидида 2 ярим мингга яқин ёнгинлар содир бўлди. Офат оқибатида 170 нафар фуқаро куйишган жароҳати олди, ўттиз нафарга яқини эса олган оғир жароҳати туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Сўнгги пайтларда газ босимининг ўзгарувчанлиги, фуқаролар томонидан асбоб-ускуналар назоратсиз ва тўхтовсиз ишлатилаётгани оқибатида ҳам ёнгинлар билан боғлиқ кўпгина кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Масалан, Пастдаргом тумани «Оқ олтин» маҳалласида яшовчи С. Муҳиддинова ошхонадаги газ плитасини ёқиб қўйиб, уй юмушлари билан банд бўлади. Назоратсиз қолган газ плитадаги аланга ўчиб қолади. Озгина вақт ичида юқори босимда чиқаётган газ ошхо-

на ва қолган бошқа хоналарга тарқала бошлайди. Ўчиқ алангани кўрган уй бекаси ошхонага бориб газ плитасини қайтадан ёқиш учун гугурт қақади. Натижада хонада йиғилиб қолган газ портлаб, бир неча сонияда аланга кўтарилди. Оқибатда С. Муҳиддинова ва унинг ёнидаги қизчаси оғир тан жароҳати олишди. Улар тезлик билан касалхонага ётқизилди.

Гулистон шаҳрида яшовчи фуқаро Б. Юсуфнинг ўғли Ботиржон гаражда ёлғиз қолиб, гугурт ёқиб ўйнайди. Аланга уй-рўзгор

буюмларига ўтиб, катталашади ва болани саросимага солиб қўяди. Ўтти учираман деб ўзи жароҳат олади. Бундан хабар топган атрофдагилар тезда ёрдамга келишади.

Бундай кўнгилсиз воқеалар асосан лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй бермоқда. Уларнинг олдини олиш учун хонадон ёки иш жойингизда доимо ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни, газ ва электр жиҳозлардан фойдаланишда эҳтиёт чоралари кўришни, ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликни маслаҳат берамиз.

**Д. ҚАМБАРОВ,**

ички хизмат катта лейтенанти.

# UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

# TV O'LAM

## Мўъжиза

Дунёда кўплаб машхур башоратчилар ўтган. Нострадамус, Ванга каби-лар шулар жумласидандир. Унча машхур бўлмаганлари ҳам қанча. Аммо ҳамма башоратлар ҳам тўғри чиқавермаган. Америкалик таникли журналист Майкл Дроснин ёзган "Библия: махфий код" китоби АҚШда катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап унинг шеърлари матнида яширинган сирли код ҳақида боради. Муаллифнинг фикрича, бу формула ёрдамида сайёрамизда ўтмишда содир бўлган, келажакда юз берадиган йирик воқеа-ҳодисаларни билиш мумкин экан. Масалан, Дроснин шу усулда Исроилнинг собиқ Бош вазири Исҳоқ Рабиннинг ўлдирилиши ва Нью-Йоркнинг Савдо марказида юз берган фожиани билиб олган. Ҳозир эса у 2006 йилда қиёмат қойим бўлишини "башорат" қилаяпти. Аммо бунинг анигини Яратган эгамиздан бошқа ҳеч зот билмайди.

Куйида Майкл Дросниннинг "Пари-Матч" журналига берган интервьюси-ни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Эслатиб ўтамиз, бу муқаддас китобда яширин шифр ва кодни машхур математик Эли Рипс кашф этган. У Мусо пайгамбар (с. а. в.) га етказилган 304805 та яхудий ҳарфи кетма-кетлигидан фойдаланди. Сўнг ҳарфдан ҳарфга сакраб, сўз кидирувчи компьютер дастурини яратди. Шу тарзда Библия яратилганидан буён дунёда юз берган ва келажакда содир бўладиган воқеаларни билиш йўлини кашф этди.

– Айтинг-чи, компьютер дейлик, Буш ёки Клинтон сўзини Библия матнидан қандай қилиб топади?

– Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ. Сизни қизиқтирган сўзни иврит ёзувида терсангиз бўлди.

– Сиз китобингизда шифр ҳам, дунёнинг яралиши ҳам ўзга сайёраликларнинг иши, деган фикрни илгари сурасиз? Бунда нимага асослангансиз?

– Мен худога ишонмайман. Доктор Рипс эса мутаассиб яхудий. У код ҳам, Библия ҳам бир вақтда яратилганига мутлақо ишонади. Демак, бу кодни юксак тафаккур эгаси дунёга келтирган. Уни яратиш одамзоднинг қўлидан келмайди.

– Нима деб ўйлайсиз, код эртароқ кашф этилганида атом бомбаси қўлланилишининг олди олинган бўлармиди?

– Иккинчи жаҳон урушига атом бомбаси туфайли чек қўйилди. Хой-

## ЯНА БИР БАШОРАТ



наҳой, учинчи жаҳон уруши ядро қуроли қўллаш билан бошланса керак. Код айнан террорчилар ядро қуроли қўллаб учинчи жаҳон урушини бош-лашларидан дарак беради. Кодга ишонадиган бўлсак, биз қиёмат-қойим арафасидамиз. Аммо бунинг олдини олиш мумкин. Чунки код келажак-

нинг турли кўриниш, вариантларини кўрсатади.

– Код келажакдан дарак беришини сиз қачон сезиб қолдингиз?

– Пентагоннинг ҳарбий шифрлар бўйича мутахассиси Библиянинг коди бўлмагур уйдирма эканлигини исботлаш учун бел боғлади ва ўзи

ҳам охир-оқибат тескари хулосага келди. Ўшанда мен бунга ақлим билан ишонгандим, аммо юрагим бепарво эди. Рабин ўлдирилган кун ҳаётимда кўп нарса ўзгарди. Сабаби, илгари Библия матни устида ишлаётганимда монитор (экрэн)да бир неча марта "Рабин" ва "қотил" сўзлари пайдо бўлди. Шундан сўнг Исроил Бош вазирига бўла-жак суиқасддан огоҳлантириб хатлар юбордим. Унинг яқинлари билан мулоқотга киришдим. Аммо Исҳоқ Рабин огоҳ-



лантиришларимга кулоқ солишни истамасди. Орадан бир йиллар ўтиб унга суиқасд уюштирилди... Ана шундан сўнг коднинг ҳақиқийлигига юрак-юрақдан ишондим. Ҳатто матн устида ишлаб, фожа санаси ва қотилнинг исмини ҳам топдим.

– Сиз Библияда 2006 йилда қиёмат қойим бўлиши башорат қилинган, дейсиз. Яна бунинг олдини олиш мумкинлигини айтасиз. Қайси бир гапга ишонишимиз керак?

– Мен код шафқатсиз зот томонидан яратилгани, у яна атиги уч йил яшашингиз мумкин, дея инсониятни огоҳлантиришига ишонмайман. Бу хабар бизга яхши ниятда – қутилиш чорасини кўришимиз учун етказил-

япти. Бу ҳақда нега ҳозир хабар берилаяпти, деган ҳақли савол туғилади. Хойнаҳой, код яратувчи одамзот башоратчилардан кўра компьютерга кўпроқ ишонади, деб ҳисоблаган. Мен доктор Рипс билан бу хусусда гаплашдим. Коднинг ҳали калити топилмаган қисмлари ҳам бор. Мен ҳозир шунинг устида изланыпман.

– Кўпгина воқеаларнинг Библиядаги баёни (башорати) юз бериб бўлганидан сўнг топилди. Бу осон иш-ку!

– Тўғри, осон. Чунки нима излаш кераклигини биласиз. Масалан, Нью-Йоркдаги Бутун жаҳон савдо марказига уюштириладиган ҳужумни олдиндан қандай билиш мумкин? Мен илгари бир неча марта компьютерда 11 сентябрь санасига, "Бутун жаҳон савдо маркази", "террор" сўзларига дуч келдим. Аммо ҳаргал бу 1993 йилги воқеаларга ишора, деб ўйладим. Ўшанда "самолёт" сўзини ҳам излаш ҳаёлимга келмаганди. 11 сентябрь воқеаларидан кейин уни излаб топдим.

– Айтишларича, Моника Левински ишини ҳам топган эмишсиз...

– Балки, бу гапим кулгули туюлар. Аммо агар ўшанда Клинтон президентликдан четлатилса, оқибати нима бўлади, деб ўйладим. Левински билан боғлиқ можаролар юз бериб турган бир паллада тадқиқот ўтказдим. Қарангки, "Клинтон", "импичмент", "хизматкор севгиси" сўзлари ва жумлалари компьютерда ёнма-ён турарди.

Ҳатто "мамлакат импичментга қарши", "жамоатчилик фикри бунга

йўл қўймайди" каби жумлаларга ҳам дуч келдим. Ҳа, доктор Рипс ҳаққа ўхшайди. Китобда сизнинг, менинг, кўшнимнинг, хуллас, ҳар бир кишининг ҳаёти кодлаштирилган, шекилли.

– Сиз топган асосий башоратлар АҚШ ва Яқин Шарққа тааллуқли. Нима, Библияда Россия, Полпот режими, Хитойдаги маданий инқилоб ҳақида ҳеч нима дейилмаганми?

– Биринчи китобимда коммунизмнинг инқиро-зи ҳақида ёзганман. Код шунингдек, Японияда кутилаётган кучли зилзила ва оғир экологик инқироз ҳақида хабар берган эди. Зилзила ҳақиқатан ҳам юз берди. Нимани топгиниз келса, ўшани излайсиз-да. Мен бошқа мамлакатларга оид маълумотларга камроқ мурожаат қиламан. Ўзим америкалик бўлганим учун кўпроқ АҚШда содир бўладиган воқеалар қизиқтиради. Доктор Рипс яхудий шу боис Яқин Шарқ тақдири, келажакга ўйлантиради.

– Ўзга сайёраликлар ва Моника Левинскидан ташқари сиз Библиядан Бин Лоден яширинган жойни ҳам билиб олганингиз ҳақида гапирган эдингиз...

– Код унинг аниқ қаердалигини кўрсатмайди, аммо қаерларда бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар беради. Бин Лоденнинг исми "террорчиларнинг асосий худуди", "кимёвий ҳужум" каби жумлалар билан ёнма-ён жойлашган. Бу ҳақда аниқроқ маълумотларни эса исроиллик ва америкалик махсус хизматлар ҳодимларига етказганман. Китобимда хавфсизлик нуқтаи назаридан бунга тўхталмаганман. (N)

## КЎЗ ТЕГМАСИН!

"Назарланибди", "кинна кирибди", "кўз тегибди", деган иборалар тез-тез қулоғимизга чалинади. Бунга кимдир ишонади, бошқа биров ишонмайди. Хўш, кўз тегиши бор нарсами?

Ҳар ҳолда, бу гаплар бекорга айтилмаса керак. Айниқса, чақалоқлар чилласи чиққунча тез назарланади. Кейин бувилар "Неваринамни фалончи мактаган эди. Ўшандан буён инжиқ тортиб қолди, ухламай қўйди", – деб нолишади, кинна солдиришади. Кексалар болага биринчи галда ота-онасининг кўзи тегади, кўп ҳам фарзандини мактамасин, дейишади. Аммо кўзда ҳам кўз бор. Шундай одамлар бўларканки, яхшилаб тикилишса, отни йиқитишаркан. Баъзилар елиндор, сер-

сут сигирларининг шохига тумор илиб қўйишади. Хонадонларнинг пештоқига, молхоналарнинг шифтига исирик осилганига кўзингиз тушгандир. Буларнинг ҳаммаси ёмон кўздан сақланиш учун қилинади.

Азалдан кўз кўнгилнинг, руҳнинг таржимони дейишади. Одамлар кўзида ана шундай салбий хусусият бор кишиларни турли аломатларга қараб фарқлашган. Аммо бу "кўз"ли одам ёмон одам дегани эмас. У ҳатто ўзида шундай хусусият борлигини билмаслиги ҳам мумкин. Шу ўринда бир мисол келтирсак.

Бир аёл кўшнисининг боласи на тунда, на кундузи йиғламаслигидан ҳайрон бўлади. Кунларнинг бирида у кўчада боласини юпка

кўрпага ўраб кўтариб олган кўшнисига дуч келиб қолади. Шунда:

– Чақалоғингиз ҳеч йиғламайди-я? – деб сўрайди.

– Нега йиғлаши керак? Қорни тўқ бўлса, касал бўлмаса.

– Қани, бир кўрсатинг-чи, – қизиқсинади аёл.

Боланинг онаси "йўқ" деёлмай чақалоқнинг юзини очади.

– Вой, мунча ширин бўлмаса, – дея аёл пуниллаб ухлаб ётган боланинг юзини силаб қўяди.

Шу кундан кўшни ховлидан чақалоқнинг йиғиси эшитила бошлади. Ҳижолат чеккан аёл ўзи чиқиб, болани ўқитиб юборишни маслаҳат беради.

Хуллас, нима бўлганда ҳам молу жонингизга, касбу корингизга кўз тегмасин.

# BOLALAR SAHIFASI

## Dono bobo o'g'itlari YAXSHI SO'Z JON OZIG'I

Yaxshi so'z ham, yomon so'z ham bir og'izdan chiqadi. O'zingizdan katta yoki kichiklar bilan so'zlashayotganda baqirmay, shoshmasdan gapirishga odatlaning. Qo'pol, uyatsiz, xaqoratli so'zlarni tilga olishdan ehtiyot bo'ling. Ezmalik qilish, bir gapni qaytaraverish odobsizlik belgisi ekanligi yodingizdan chiqmasin.



Bog'ot tumanidagi "Navro'z" bolalar bog'chasida o'tkazilgan bayram tadbirida kichikintoylar tomonidan tarixiy saxna asaridan parcha namoyish etildi.

Rustam QOZOQOV olgan surat.

### Kunlardan bir kun...

## O'ZI KULGIGA QOLDI

Sodiq bilan Ma'ruf bir sinfda o'qishadi. Darsdan keyin uyga qaytayotib uzumzor tomondan borishardi.

– Sodiq, qara uzumlar rosa pishibdi, yur olamiz, – dedi Ma'ruf.

– Qorovuldan so'rasak beradi, amaki yaxshi odam, – dedi Sodiq.

– E, yalinib o'tiramizmi, lip etib devordan oshamizu, olib chiqamiz, – dedi Ma'ruf ovozinu pasaytirib.

Sodiq ko'nmadi. Ma'ruf o'z bilganidan qolmay, devor oshib tushdi. U endi uzumni uzayotgan edi qorovulning ovozi eshitildi. Ma'ruf sakrab yana devordan oshaman deb yiqilib tushdi va qo'lidagi sumkasi ochilib, daftar-kitoblari sochilib ketdi. Shosha-pisha ularni yig'ishtirib, devordan sakrab o'tdi. Uning ahvolini ko'rgan Sodiq kulib yubordi. Ma'rufga alam qilib, xayrlashmay jo'nab qoldi.

Ertasiga Ma'ruf bo'lgan voqeani Sodiq aytib bermasin, degan xayolda uning oldini olishga kirishdi.

– Kecha Sodiq uzumzorga o'g'irlikka tushibdi, – dedi u bolalarga.

– Sen qaerdan bilding? – so'radi sinfdoshlaridan biri.

– Qorovulning nevarasi aytdi, devor oshaman deb yiqilib tushibdi, – dedi hir-inglab.

U qilgan ishidan mamnun bo'lib, partaga o'tirayotganida xonaga quyi sinfda o'qiydigan qizcha kirib kelib, to'g'ri uning oldiga bordi.

– Bu daftar sizniki ekan, buvam berib yubordilar, kecha uzumzorda tushirib qoldiribdi, – dedi u biyrongina so'zlab.

Hamma bolalar Ma'rufga qaradi. Xonada kuchli kulgi ko'tarildi.

S. ABDULLAYEV.

Qadrlil bolalar! Kataklerde tabiatdagi jonivorlarning nomi yashiringan. Namunada ko'rsatilgan tartibda ularni toping.

Y	T	A	S	Q	Q	U	R	G	U
O	L	O	N	A	I	B	T	U	T
L	I	S	B	R	Z	I	L	L	K
B	A	R	I	A	U	K	I	S	H
«НАВБАҲОР»ГА ЁҚЯПТИ

Ўзбекистон миллий чемпионатида 4-тур учрашувлари ҳам ўтказилди. 20-22 март кунлари ўтказилиши режалаштирилган ушбу тур беллашувларига терма жамоа манфаатини кўзлаб бир оз ўзгартириш киритилди. Яъни, 20 март кунига белгиланган "Нефтчи"- "Навбахор" учрашуви 21 март кунига ўтказилди.

"Пахтакор" ўз майдонида Зарафшоннинг "Қизилқум" жамоасини қабул қилди. Учрашув бошидан оқ мезонлар галабасига ҳар доимгидек ҳеч ким шубҳа қилмаганди. Ҳатто Алишер Холиқов 4-дақиқадаёқ "Қизилқум"ни ҳисобдан олдинга олиб чиққан бўлса-да, пойтахтлик мухлислар "ҳали ҳаммаси олдинда" дегандек хотиржам эдилар.

Орадан роппа-роса ярим соат ўтиб, ҳисоб тенглашди. Ҳимоячи тўпурар Гочкули Гочкулиев тўп муаллифи бўлди. Танаффусдан сўнг, (53-дақиқада) меҳмонлардан яна Холиқов ўзини кўрсатди. Фақат у Алишер эмас, Музаффар эди. У ўз дарвозасига... гол уриб қўйди. Г. Гочкулиевнинг дубли (70) ва Анвар Солиевнинг голи (78) эвазига "Пахтакор" навбатдаги йирик галабасини нишонлади. Ушбу учрашувнинг икки эътиборли жиҳати шуки, "Пахтакор" дарвозабони Игнатий Нестеров илк бор ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлди; шунингдек, чемпионатнинг дастлабки автоголига ҳам гувоҳ бўлди.


"Насаф" аста-секин ўзига келяпти. Андижонда меҳмон бўлган қаршиликлар 2:1 ҳисобида галаба қозонишиб, мухлисларини қувонтиришди. Ушбу учрашув тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, меҳмонларнинг тажрибалироқ эканлиги бутун учрашув давомида сезилиб турди.

21 март кунига сурилган "Нефтчи"- "Навбахор" учрашуви барча футбол ишқибозларининг диққат марказида бўлди, десак ҳеч янглишмаган бўламиз. Бу икки кўшни жамоалар ўртасида ўтадиган учрашув аҳамияти жиҳатидан миллий терма жамоамиз мураббийларини ҳам беэътибор қолдирмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Баҳор фаслига монанд ном олган "Навбахор"нинг мағлубиятсиз одимини фарғоналиклар тўхтатиб қола олишмади. Улар ўз майдонларида, бир неча ўн минглаб мухлислари олдида аламли мағлубиятга учрадилар. Шўҳрат Мирхолдиршоевнинг 35-дақиқадаги муваффақияти 1-бўлимдаги

ягона гол бўлди. Танаффусдан сўнг фарғоналик футболчиларнинг ҳисобни тенглаштириш учун қилган барча уринишлари 66-дақиқага келиб тамом пучга чиқди. Ш. Мирхолдиршоев иккинчи тўпни ҳам Г. Забиоров дарвозасига йўллади. Учрашувнинг 90-дақиқасига келиб, наманганликлар легионери Патрик Агбо ўзини кўрсатди – 0:3. Бундай ҳисобни кутмаган "Нефтчи" мухлисларининг аҳволини тушунса бўлади...

Илк турдан оқ барчани ҳайратда қолдирган "Локомотив" ҳамша-



ҳарлари "Трактор"ни қабул қилди. Тўғриси-ни айтиш керак, ҳеч ким темирйўлчиларнинг галаба қозонишига шубҳа қилмаганди. Аммо яқунда бунинг акси бўлиб чиқди. "Локомотив" ўз майдонида тракторсозлардан 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди:

"Металлург" – "Сўғдиёна" – 1:0;  
"Сурхон" – "Бухоро" – 0:1;

"Машъал" – "Самарқанд-Д" – 3:0.

Чемпионатда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Хитой Тайпейи билан ўтказадиган учрашуви боис, қисқа танаффус эълон қилинди.

## 4-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	4	4	0	0	16-1	12
2. "Навбахор"	4	4	0	0	13-0	12
3. "Насаф"	4	3	0	1	11-4	9
4. "Нефтчи"	4	3	0	1	10-3	9
5. "Локомотив"	4	2	1	1	7-3	7
6. "Трактор"	4	2	0	2	6-12	6
7. "Металлург"	4	2	0	2	4-10	6
8. "Сўғдиёна"	4	1	1	2	2-4	4
9. "Қизилқум"	4	1	1	2	3-9	4
10. "Машъал"	4	1	0	3	4-4	3
11. "Сурхон"	4	1	0	3	7-11	3
12. "Самарқанд-Д"	4	1	0	3	3-11	3
13. "Бухоро"	4	1	0	3	1-10	3
14. "Андижон"	4	0	1	3	2-7	1

ТЕРРОРИЗМГА  
ҲАММА ҚАРШИ

Ҳа, терроризмга футболчилар ҳам қарши. Буни яқинда машҳур кўзойнакли футболчи Эдгар Давидс исботлади.

Учрашувлардан бирида майдонга футбол мухлисларидан бири югуриб чиқди. Қизиқсон футболчилар унинг адабини бериш учун уни қувлай кетишди. Аммо етиб олганларида эса... Бу вақтда полиция ҳам етиб келди ва қоидабузарни олиб кетмоқчи бўлди. Лекин Эдгар Давидс мухлисга ташланган полиция ходимини тўхтатиб қолди ва нималарнидир тушунтирди. Шаштидан қайтган осойишталик посбони ортига қайтди. Футбол мухлиси ҳам тезгина майдонни тарк этгач, учрашув давом эттирилди. Ҳаммани мurosага келтирган бу йигитнинг қанақанги сири бор экан дерсиз? Унинг яланғоч кўкрагига "Терроризмга йўл йўқ!" деб ёзилган экан...



## ХАНДАЛАР

Футбол учрашуви танаффусида ради шарҳловчи олдига келган маҳаллий жамоа мураббийи деди:

– Илтимос, шарҳни сал секинроқ олиб боришнинг иложи йўқми? Футболчиларимиз бунақа тезликда ўйнай олмаётганлар.

– Стадионда навбатдаги янгилик.

– Қанақа?

– Бундан буён шарҳловчи ўйинчилар билан бирга томошабинларнинг исм-шарифларини ҳам ўқийдиган бўлибди.





**«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»**

Ислом КАРИМОВ.

# Ҳиласот

Ёшлар саҳифаси

## «ЎТИШ ДАВРИ» МУАММОЛАРИ

Табобатда 13-14 ёш болаликдан ўсмирликка ўтиш даври ҳисобланади. Бу паллада унинг феъл-атворида пайдо бўладиган ўзгаришлар кўпчилик эътиборидан четда қолмайди. У ўзини катталардек тутиш ва дунёқарадини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Айрим шаддод, ўт-олов болакайлар босиқ, мулоҳазали йигитчаларга айланиб, кўпларнинг ҳавасини келтиришса, бошқа бирларида салбий ҳислатлар бўй кўрсатади.

– Ота-онам мени тушунмайди, – дейди йигитлардек бўлиб Козим исмли ўсмир. Қандай ишга қўл урмай “Хали ёшсан, қўлингдан келмайди” деб уришаверишади. Баъзан “Овозингни тўғрилаб гапир, мунча дўрилайсан?” – дея жеркишади. Мактабда ҳам шу аҳвол...

Дарвоқе, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги мактаблардан бирининг 7-синфиди

таълим олаётган бу ўспирини Фарғона шаҳридаги аэропортда юрган пайтда ушлагандик. У ўсмирликнинг қийин палласи – кўнглида туғилган саволларни айтиб, жавоб оладиган пайтида катталар орасидан дардини тушунадиган, туйғулари билан ўртоқлашадиган яқин дўст топа олмаган. Ота-онасининг даққиларидан безор бўлган Козим Тошкент-

га кетмоқчи, шу йўл билан ўзининг ёш бола эмаслигини исботламоқчи бўлган. 1991 йилда туғилган бошқа бир ўсмир – қувалик 6-синф ўқувчиси Ақром ҳам ўзининг “катта” бўлиб қолганини яқинларига англатиш учун таътилда Тошкентга бориб, ишлаб, пул топиш мақсадида Марғилонда поездга чиқаётганда тармоқ ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилди.

Бу икки ҳолатда ҳам бизни ҳайратга солган нарса, ўсмирлар уйдан чиқиб кетгани бир неча кун бўлганига қарамай ота-оналари бу ҳақда милицияга хабар бериш у ёқда турсин, ҳатто, уларнинг уйга келмаётганини



“пайқашмаган”. Бундан кўринадики, айрим вояга етмаганларнинг дайдиб юриши ёки ножўя йўлларга киришига асосий сабаб, катталар, хусусан, ота-оналар, мактаб ўқитувчиларининг бефарқлигидир.

Буни эътиборга олган Марғилон шохбекати тармоқ ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспекторлари мактаблар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда бўлиб, ўсмирлар билан мулоқотлар ўтказишмоқда. Бунда ўсмир руҳиятидаги ўзгаришлар, унинг қалбига қулоқ тутиш ёки аксинча иш юритишнинг

оқибатлари ҳақида ота-оналарга кенг тушунча берилмоқда. Темир йўлларга яқин ҳудудларда олиб борилаётган профилактик тадбирларда эса уларга нисбатан эътиборсизлик оқибатида юз бераётган ҳолатлар таҳлил этилапти. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда мактаб-маҳалла-милиция ҳамкорлиги катта аҳамият касб этиши таъкидланапти.

Умид қиламизки, бундай саъй-ҳаракатлар натижасида ўсмирлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда бахтсиз ҳодисалар барҳам топади.

А. ҲОМИДОВ,  
милиция капитани.

## БОЗОР БОЛАЛАРИ КИМНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ?

Бозорда болалар кўплигига ҳеч эътибор берганмисиз? Бирови арава судраган, бошқаси майда-чуйда сотган. Айримлари қайси автобус қаёққа боришини бақариб-чақариб эълон қилади. Ҳаммасининг дарди битта – пул топиш. Улардан бири билан суҳбатлашганимда, мактабга деярли бормаслиги, ўзининг китоб-дафтари йўқлигини айтди. Қўшни болаларнинг китобларини олиб ўқиб тураркан. Топган пулини рўзгорга ишлатиш учун ота-онасига бераркан.

“Катта бўлсам, институтга кираман. Кейин юқори лавозимларда ишлайман, синглимни ҳам ўқитаман”, – дейди. Ахир вақтида мактабга бормаган бола қандай қилиб институтга киради? Келажакда у ким бўлиб етишади? Бозор болаларининг эртанги тақдирини нима бўлишини ота-оналари ўйлашмаяптими? Улар фарзандлари ишлаб топган пулга муҳтож бўлса, бошқалар-чи? Маҳалла-қўй, қавм-қариндошлар, қаёққа қараяпти? Ахир ёшлар халқимиз, миллатимизнинг келажак деймиз, келажак ҳақида ким қайғуради? Илгари аждодларимизга хос бўлган халқпарварлик, миллатпарварлик туйғуси бизга бегонами?

Гулноза МАМАЖОНОВА,  
Тошкентдаги саноат касб-ҳунар коллежи талабаси.

### Мулоҳаза

## ТРАНСПОРТДАГИ ОДОБСИЗЛИКЛАР

Жамоат транспортда кетаётиб, баъзи одобсизликларнинг гувоҳи бўламиз. Ўзаро сўзлашув пайтида катталар олдида ёшларнинг бемалол ҳиринглаб қулишлари-ю, бемаъни сўзларини эшитиш табиий ҳол бўлиб қолмоқда. Буни кўрган кексалар, шубҳасиз, ранжиб, юзларини четга буришади.

Шу ўринда бир мисол келтириб ўтаман. Кўпчилик қатори ишдан қайтаётган эдим. Бекат йўловчиларга тўла. Ниҳоят, автобус келиб тўхтади. Эшиклар очилиб, шошаётган йўловчилар ичкарига талпинишди. Мен ҳам улар орасида бир амаллаб автобусга чиқиб олдим. Эшиклар ёпилди. Ўрта эшик негадир икки-уч марта қайта очилди. Хайрон бўлиб қарасам, уч-тўрт ўспирин уни маҳкам ушлаганча ёпилишига йўл қўймапти. Йигитлар қилган ишларидан мамнун бўлиб, хузур қилиб қулишарди. Оғизларидан чиқаётган беадаб сўзларга-ку чидаб бўлмасди. Шу пайт ёши каттароқ йўловчи уларга танбех берган эди, йигитлар ҳаёсиз сўзлар билан ҳақоратлашди. Ҳатто атрофда хотин-қизлар борлигидан ҳам ийманишмади.

Ҳозирги кунда ахлоқий тарбияни ортиқча деб билган айрим ёшларнинг катталар орасида ўзларини тутиши, ножўя қилиқлари, айниқса, бемаъни сўзлар билан бир-бирларига муомала қилишларини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг сабаби нимада?

Менимча, ахлоқсиз кўринишларга енгил-өлпи ҳаёт кечириб ҳамда хорижий ур-сур, жангари фильмларнинг таъсири бор, албатта. Улар ўрнига халқимизга хос бўлган камтарлик, иродали бўлиш, меҳнатсеварлик ва бошқа инсоний фазилатларни акс эттирувчи “Ошин” каби сериалларни томоша қилган маъқул эмасми?

Хулоса шуки, бугунги ёшларга таълим-тарбияга оид фанлар олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртларида чуқурроқ ўқитилса, ота-оналар ва маҳалла-қўй жон куйдиришса, қолаверса, телевидение орқали тарбия билан боғлиқ кўрсатувлар кўпроқ бериб борилса. Хуллас, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмас эканмиз, юқоридагига ўхшаш воқеалар учраб тураверади.

Шукрулло ПАРПИЕВ.

Тўй давом этарди. Даврада келиннинг дугоналари рақсга тушишар, ёш йигитлар эса уларга гап ташлашдан чарчашмасди. Шу пайт Дилшоднинг кўзи опаси Дилафрўзга шилқимлик қилаётган мактабдошларига тушди. Бу унинг гашини келтириб, йигитларга яқинлашди.

– Йигитлар, сал ўзларингни тутинглар. Ҳаммининг кўзи сизларда, уялмайсизларми? – деди у.

– Даврадаги қизлар жуда сулув экан, – деди йигитлардан бири мастликдан қизарган кўзларини қизлардан узмай. Айниқса, опанг бугун жуда очилиб кетибди. Кўрган киши уни 11-синф ўқувчиси демайди. Нима, бирга рақс тушсак, осмон узилиб ерга тушибдими?

– Менинг опамга кўз олайтирмаларинг, – дўк урди Дилшод. – Бу гап ҳар бирингга таллуқли. Бўлмаса, ақларингни киритиб қўйишга кучим етади.

Йигитлар: “Сен жўжахўроз билан эртага дарсдан сўнг гаплашамиз”, – дея тарқалишди. Тўй тугагач Дилшод опаси ва қариндошлари билан йўлга тушди. Бекатда яна бояги йигитларга дуч келишди.

– Дилафрўзхон, эртага мактабда яхшилаб гаплашиб олармиз. Бугун баъзи кўриқчилар халақит беришди, – деди Азиз тиржайиб.

У гапини охирига етказмай, Дилшод шартта ўгирилди-ю, унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Дилшоднинг яқинлари ўртага тушиб, уларни зўрга ажратиб қўйишди. Меҳмонлар яна йўллариди давом этишди. Дилафрўз укасига йўл-йўлакай танбех бериб кетди.

Эртасига мактабдан қайтаётган Дилшод йўлда уни кутиб турган икки йигитни кўриб,

муштларини тугди. У ёшлигидан бокс билан шуғуллангани туфайли улар билан қийналмай олиша бошлади. Унинг муштларига дош беролмаган рақиблари тумтарақай бўлишди. “Булар кеча опамга шилқимлик қилиш орқали мени барчанингни кўз ўнгида оёғости қилишди”. Хаёлидан шу сўзлар ўтган Дилшод кўлига катта тош олиб, улар томонга отди. Тахминан отилган тош нишонга текканди. Комил “оҳ” деб ерга қулади. Бу орада Азиз жуфтакни ростлаб

ёшга тўлган Комил орамизда йўқ. Унинг вояга етмаган мактабдоши эса суднинг қора кўрсисиди ўтирибди. Ҳозирда айрим ёшларимиз ичкиликка ружу қўйганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Ҳали балоғатга етиб улгурмаган ўсмирларнинг тунги клублар, зиёфату базмларда ширкайф ҳолда вақт ўтказишларига наҳотки ота-оналари, маҳалла-қўй эътиборсиз бўлса? Ичкилик ёхуд гиёҳвандлик балосига дучор бўлган қўшнимизнинг фарзанди эртага бизнинг оила аъзоларимиздан бирига салбий таъсир ўтказмайди, деб ким кафолат бера олади. Ҳозирда ҳар бир маҳаллада маҳалла фуқаролар йи-

## НИҲОЛНИ БОТҚОҚДА УНДИРИБ БЎЛМАЙДИ

қолди. Дилшод эса кўлига тушган таёқ билан вай-войлаб ётган йигитни савалай кетди. Ёрдам сўрашга мадори қолмаган Комил тошнинг навбатдаги зарбидан ҳам бебаҳра қолмади. Ўз ҳаракатини бошқаролмай қолган Дилшод тупроққа беланиб, ғужанак бўлиб ётган Комилнинг дуч келган жойига тинмай ураверди.

Шу вақт дарсдан қайтаётган Дилафрўз укасини ажратиб, оғриқнинг зўридан инграётган Комилнинг икки кўлидан кўтариб тургазишга ёрдамлаша бошлади. У қаддини зўрга ростлаб: “Мени ўзларингиз билан олиб кетинглар, ҳатто туришга ҳам мадорим йўқ” – деди ҳорғин овозда.

Кечкурун Комилни қидириб келган яқинлари уни Дилшоднинг уйдан топишди. Онаизор афт-ангори таниб бўлмас даражада ўзгариб, шишиб кетган ўглини кўриб, юраги ёрилай деди. Уни зудлик билан шифохонага олиб боришди. Афсуски, кўрсатилган ёрдамлар фойда бермади. Йигитчанингни ёшгина умри бевақт хазон бўлди.

Бугунги кунда энди 17


ғини раиси, педагог-тарбиячи ва албатта, профилактика инспектори иш олиб борапти. Улар ёшлар ёмон йўлларга кириб кетмасликларини учун барча чора-тадбирларни кўришапти. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ота-оналар ва маҳалла фаолларининг ёрдами асқотади. Ота-боболаримиз: “Ўз фарзандларининг қобил инсон бўлишини хоҳласанг, кўни-қўшининг фарзандини ҳам қабиҳ ишлар қилишдан қайтар! Шундагина ўз авлодининг ёмон иллатлардан сақлаб қоласан” – деб бежиз айтишмаган. Зеро, ҳеч қачон ниҳолни ботқоқда ундириб бўлмайди.

Ҳар биримиз атрофимизда рўй бераётган воқеаларга эътиборли бўлишимиз мақсадга мувофиқдир. Нуридийдаларимиз шиша ичидаги оғу қулига айланиб қолмасликларини учун барча чораларни кўришимиз лозим. Бинобарин, келажакимиз ёшлар кўлида экан, унинг пойдеворини қуришда хатога йўл қўймайлик.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА.

## Саломатлик сабоқлари

**Уйқусизлик қандай касаллик? Унинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Кўпчилик мутахассислар буни нотўғри турмуш тарзи ёки организмнинг узок вақт, сурункали чарчаши оқибати, дея изоҳлашади. Яъни, организм зўриқишга яраша жавоб беради: хаёлнинг кундалик ташвишлардан узилишига йўл қўймайди. Аммо уйқусизликка дучор бўлган оддий одамлар бу хасталикка бас келишнинг турли йўллари топишган. Қуйида ана шу усуллардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**



# УЙҚУСИЗЛИК — АЗОБ

**АММО УНИ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ...**

## СЎЗНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

“Менда уйқусизлик муаммоси ёшим 23ларга етганда бошланди. Аввалига бундай ҳолат камдан-кам юз берарди. Аммо вақт ўтган сайин тез-тез уйқусизликдан қийналадиган бўлдим. Масалан, эрталаб вақтли туришим керак бўлса, кечаси ҳеч уйқум келмасди. Бора-бора бу одатга айланиб қолди. Оқшом ухлашга ётганимда ҳар гал “Яна тунни бедор ўтказаманми?” деб ваҳима босарди. Қанча ҳаракат қилмай бу ўй-фикр, кўрқув онгимга ўрнашиб олди. Кечалари ё мижжа қоқолмасдим ё тонгга яқин кўзим илинса, тинимсиз туш кўрардим. Эрталаб турганимда аъзойи баданим зиркирар, бошим лўқилларди. Энди шу аҳволда қандай ишлаганим-

ни тасаввур қилаверинг. Охири уйқу дори ичишга мажбур бўлдим. Бошда фойдаси тегиши билан чуқур уйқуга кетаман. Тонггача донг қотиб ухлайман. Мен бутунлай хотиржамман. Бутун аъзойи баданим бўшашган. Ухлашга тайёрман...”

Матнни шу тахлитда анча чўзиш мумкин. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юқоридаги сўзларни дуо каби такрорлаганимдан буён муаммоларим бутунлай ҳал бўлди. Илгарилари тундан худди оловдан кўрққандек кўрқардим, ухлаш кераклигини ўйласам, юрагим зиркирарди. Ҳозир эса тезроқ оқшом чўксаю, севимли ўрнимга ётиб мириқиб ухласам дейман.

Хулоса ўрнида нима ҳам дердим. Киши ҳаётда нимагадир ишониши керак. Биров дуо ўқишга ихлос қилади. Кимгадир санаш фойда беради. Нимагаки қаттиқ ишонсангиз, унинг албатта ёрдами тегади. Тунингиз хайрли бўлсин!”


## ТОЗА ҲАВО — УЙҚУСИЗЛИККА ДАВО

“Биринчи фарзандим жуда инжиқ эди, туни билан йиғлаб чиқарди. Фақат кундузи аравачасига солиб, кўчани сайр қилдирганимда яхши ухларди. Бир ой кечалари тўйиб ухломай қийналганимдан сўнг суробим тўғриланиб “пуф” деса йиқилдиган бўлиб қолдим. Тўғри, аҳволимни кўриб эрим кўлидан келганча ёрдамлашди, кечалари галма-гал боламизга қарадик. Бари бир чақалоқ йиғлаганида уйғониб кетардим. Шундан сўнг уйқум қочарди.

Ҳартугул, орадан беш-олти ой ўтиб ўгли-

мизнинг инжиқликлари қолди. Аммо яхши ухлолмаслик одатимга айланиб бўлганди. Яна уч ой амаллаб чидадим. Болани кўкрагимдан ажратишим билан уйқу дори ичишга ўтдим. Фақат унинг нафи, таъсири вақтинчалик эди.

Ёз келгач, ўғлимни олиб қишлоққа кетдим. Тоза ҳаво, ўт-ўланларнинг ёқимли ҳиди, шароит ўзгариши таъсирида уйқум яхшиланди. Бари бир баъзи тунлари уйғониб кетсам, то яна кўзим илингунча у ёнбошимдан бу ёнбошимга ўгирилавериб, қийналиб кетардим.



Бир куни кўшним жўяли маслаҳат бериб қолди. Унинг айтгани бўйича авваломбор ўзимга ичига ялпиз, жамбил (тоғ райхон) солиб ёстиқ тайёрладим. Уйқу олдида эса кулмоқ (хмель) дамламасини ичдим. Бунинг учун икки чой қошиқ кулмоқни бир стакан қайноқ сувга солиб тўрт соат ўраб қўйиш керак. Сўнг

тиндириб, сиздириб, ухлаш олдида бир ош қошиқдан ичасиз.

Яна чаккамга лаванда ёғи сурардим. Шундан сўнг яна уйқумни топиб олдим. Шаҳарга қайтганимдан кейин ҳам уйқусизликдан нолимайди-ган бўлдим. Эрим ҳам чиройим очилиб, асабларим жойига келиб, яна хушмуомала бўлиб қолганимдан хурсанд”.

## УЙҚУНГИЗ КЕЛМАЯПТИМИ — УХЛАМАНГ!

“Мен баъзан бир неча кеча кетмакет ухлолмаслигим мумкин. Бир пайтлар бедорлигимда нима қилишни билмай қийналардим. Бора-бора бу аҳволга мослашдим, кўникдим — шунда яшаш ҳам анча осонлашди. Балки, қандай қилиб мослашдинг, дерсиз? “Уйқунг келмаяптими — ухлама!” деган шiorга амал қиладиган бўлдим. Акс ҳолда киши ўзини ухлашга мажбур қилса, баттар қийналишини англаб етдим. Чунки киши ухлолмасликдан кўрқиб қолади. Ўзимга ўзим бир кеча ухласам осмон узилиб ерга тушмайди, ўлиб ҳам қолмайман дедим.

Ўшандан буён уйқум қочган кечалар ўрнимдан турарман, кийинаман, кейин бирор нарса билан машғул бўламан. Масалан, ўзимга ёққан китобни мутолаа қиламан, кийимларни дамоллайман. Э-ҳе, бедорлигимда қанча-қанча чала ишларимни битирдим. Мана, ўлиб қолганим йўқ, соғ-саломатман. Муҳими — бундай вазиятларда ваҳимага тушмаслик”.

## Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Вақти-вақти билан ҳамма ҳам уйқусизликдан азият чекиб турса керак. Ҳар бир нарсанинг сабаби бўлади. Шунга ўхшаб, авваломбор уйқусизликнинг сабабини йўқотиш керак. Бундан ташқари синалган, ҳаёт тажрибасидан ўтган халқ табобати воситалари мавжуд. Шунинг учун дори ичишга шошилманг. Чунки уларнинг ўзига яраша зарари, асорати бор. Бунинг устига ўрганиб қолсангиз ҳам ёмон.

● **Ухлаш олдида бир ош қошиқ асални бир стакан илиқ сувга қўшиб ичинг. Асал — кишини тинчлантирувчи табиий воситадир. Бундан ташқари овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилаб, умуман организмга катта фойдаси тегади.**

● **Уйқу олдида бир стакан сутга кичикроқ бир бош пиёзни икки бўлиб солиб, паст оловда иситиб (қайнатмасдан), сўнг бир неча дақиқа тиндириб ичасиз.**

● **Ухламоқчи бўлсангиз, бир бўлак оқ қандга бир чой қошиқ валерианка томизиб, уни тил остингизга қўйиб, эриб кетгунича кутинг.**

● **Ётишдан олдин оёғингиз учун иссиқ ванна қилсангиз, унинг фойдаси катта. Сувга уч чимдим туз қўйиш эсингиздан чиқмасин. Ванна қабул қилиш вақти — 30 дақиқа.**

● **Мириқиб, тўйиб ухлай десангиз, ётоғингизда сарик, яшил ранглар кўпроқ бўлсин.**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ёш билан боғлиқ жинсий муаммолар нафақат аёллар, балки эркекларда ҳам пайдо бўлади. Табобатда ҳатто “эркаклар климакси” деган атама мавжуд. Киши 50-60 ёшга етганда организмнинг жинсий гормонлар ишлаб чиқиши камаяди. Бу ўз навбатида буйрак усти, қалқонсимон, гипофиза безлари фаолиятининг бузилишига олиб келиши мумкин. Одатда мазкур жараён 2-4 йил давом этади. Ушбу даврда киши уйқусизликдан қийналади, инжиқлашади, иш қобилияти пасаяди, юрак уриши тезлашади, қон босими ошиши мумкин, боши айланади, жинсий қобилияти пасаяди.

Климакс осон ўтиши учун киши иложи борича кўпроқ дармондориларга бой таомлар истеъмол қилиши, ёғли овқатлардан тийилиши, режимга риоя этиши керак. Уйқусизликни даволаш бўйича тавсияларни эса юқорида баён этдик. Зарур ҳолларда шифокорга мурожаат этинг.

## Жиноят жазосиз қолмайди

Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртини 1999 йилда битириб, хизматини звено бошлиги лавозимида бошлаган лейтенант Хайрулло Ярашов бу вазифада салкам икки йилча ишлаб олди, холос. Офицерлик поғони унга оғирлик қилди. Ярашмаган хурмача қилиқлари, тўғрироғи, хизматга нолойқлиги учун у билан хайр-маъзур қилишди. Агар у ишсиз юришнинг нақадар оғир машаққат эканлигини тушуниб етганида, командирларининг барча топшириқларини бекамму кўст бажариб, умумҳарбий Низомлар талабларига оғишмай амал қилиб, офицер, деган юксак номни улуғлаб юрганида бундай кўргуликлар йўқ эди. Афсуски, бундай бўлмади.

Ўз қилмишидан ўзи пушаймон бўлиб, қай бир ишнинг бошини тутишни билмай юрган кунларнинг бирида Хайрулло учун осмондан чалпак ёғилди гўё. У бир пайтлар ўзи билан билим юртида Мурод деган курсдошини учратиб қолди. Мурод чегарачилар либосида бўлиб, капитан унвонида эди. Хайрулло Муродга ёрилиб, ўзининг барча ташвишларидан уни воқиф этди.

– Ғам ема, дўстим, – деди шунда капитан Мурод Умаров Хайруллога, – дўстинг учун захар ют, деганлар. Худога шукур, ўзимизга яраша таниш-билишларимиз бор. Бир нарса десак, қараб туришмайди.

– Бу яхшилигингни бир умр унутмайман, дўстим, – деди Хайрулло оғзининг таноби қочиб, – қани эди, шу айтганинг тезроқ рўёбга чиқиб, чегарачи офицер бўлиб олсам.

– Бирок, – деди Мурод Хайруллони зимдан кузатиб, – бир оз харажат қилишга тўғри келади.

– Вей, оғайни-ей, ёш бола эмасман-ку, тушунман, тортинмай айтавер, қанча бўлади?

– Ҳозирча бир нарса дейишим қийин. Олдин гаплашиб кўрай, кейин айтаман. Сен манзининг, телефон рақамларингни қолдир, – деди Мурод ва ўз уй манзили, уй ва хизмат телефони рақамларини унга ёзиб бериб, тайинлади. – Иложи бўлса, ҳар кун, жуда бўлмаса, кунора кўнғироқ қилиб тур. Ҳозир эса бизнинг командиримиз номига битта ариза ёзиб,

менга қолдир. Натижасини сенга телефонда айтаман.

Эртасига капитан Мурод Умаров тезкор навбатчи вазифасини ўтаётган пайтда телефон жиринглаб қолди. “Ишинг юришди, дўстим, тез етиб кел”, деди Мурод унга телефонда. Хайрулло келгунига қадар у қисм командири билан учрашиб, собиқ офицер жияни борлиги, у чегара кўшинларида хизмат қилиш ниятида эканлигини айтиб улгурган, командирдан ижобий жавоб ололмаган бўлса-да, Хайруллога ёлғон гапириб, тезда 100 АҚШ доллари келтириши лозимлигини айтганди.

Бир неча ойдан бери ишсиз юрган Хайруллода

ликларга зиёфат қилиб бериши зарурлигини айтди-да, ундан яна 45 АҚШ доллари олди. Хайрулло навбатдаги гал кўнғироқ қилганида, хўжайинларга дастурхон ёзиш учун берган пули “камлик” қилганини айтиб, яна 40 АҚШ доллари олди.

Фирибгарнинг баҳонаси кўп деганларидек, Мурод Умаров Хайруллонинг ишини битказиб беролмаслигига тўла кўзи етган бўлса-да, уни “соғишда” давом этди. “Хужжатларинг имзо қўйиш учун буйруқ лойиҳасига киргизилиб, юқори даражадаги бошлиқ столига қўйилди” деб, Ярашовдан яна 75 АҚШ доллари олди. “Ишинг 99

текширишдан ўтказилаяпти. Текшириш узоғи билан беш ойга чўзилади. Текшириш тугаши биланок, Хайрулло офицерлик поғонини тақади”, деб уларни ишонтирди.

Айтилган муддат тугагач, ака-ука Ярашовлар тагин чегарачи капитаннинг уйига келишди. Бу гал Мурод уларга Хайруллонинг текширишдан ўтолмаганлигини айтди.

Аммо Мурод бу гал ҳам ўзини йўқотиб қўймади. “Ётиб қолгунча отиб қол” қабилда таваккал қилди. “Мен Хайруллони Фавкуллода вазиятлар вазирлиги тизимига ишга жойласам розимисиз?” деди. Ака-ука маслаҳатлашиб олишгач, рози бўлишди. Афсуски, бу ерда ҳам

## Ф И Р И Б Г А Р Н И Н Г И Р И Б И Ў Т М А Д И

бунча пул қаёқдан бўлсин. У оёғини қўлига олиб, отаси ҳузурига – Бухорога равона бўлди. Ўзининг тез кунлар ичида чегарачи офицер бўлишини, бунинг учун 700 АҚШ доллари кераклигини айтди. Чунки

фоиз ҳал бўлди”, деб тагин 300 минг сўм пул ундирди. Булар ҳам кам туюлиб, ўзи учун “совға” сифатида қоракўл телпакли бўлди. Хайрулло кунларнинг бирида ижарада турган уйи эгасида


қаллобнинг омади юришмади. Хайрулло салкам икки йил хизмат қилган бўлишига қарамай шу пайтгача шаҳарга рўйхат (прописка)дан ўтмаган экан. Мурод унинг рўйхатдан ўтишига ўзи ёрдам бериши, сўнгра Фавкуллода вазиятлар вазирлиги тизимига ишга албатта жойлаштириб қўйишини айтган бўлишига қарамай, пуллари куяётган Ярашовлар бунга кўнишмади. Улар барча пулларни тезда қайтариб беришни талаб қилишди, агар яна баҳона излайдиган бўлса, Умаров устидан тегишли жойга шикоят қилишларини айтишди.

– Менга муҳлат беринг, – деди шунда Мурод ноилож. – Икки-уч ой ичида пулларингизни қайтариб оласизлар. Сизлар учун шунча ҳаркат қилдим. Буни ҳам инobatга олинглар-да...

Шу йўсинда орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. “Пул топишим биланок дарров телефон қилиб айтаман, келиб олиб кетасизлар”, деган одамдан дарак бўлавермагач, Хайруллонинг кўнғилига яна гулгула туша бошлади. “Наҳотки, ўз қўлим билан берган пулимни қайтариб ололмасам?!”

Қиссадан ҳисса шуки, қора курсига ўтиришига кўзи етган Мурод Умаров Хайрулло билан тўла ҳисоб-китоб қилди. Бирок, қонун олдида жавоб беришига тўғри келди. Ҳийласи амалга ошмаган фирибгар Тошкент ҳарбий округи очик сайёр суди мажлисида жиноятига яраша жазоланди.

Умиджон МИРЗАЕВ,  
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий  
прокурорининг ўринбосари, адлия  
подполковниги.



иш битишига ўзи ҳам тўла ишонарди. Фарзанд учун ота-она нималар қилмайди, дейсиз. Уйдаги соғин сизир бозорга олиб чиқилиб, 500 АҚШ долларига баҳоланди. Лекин бу кам эди. Оила жамғармаси, оғайнилар кўмагида Хайрулло айтган пул тўпланиб, унинг қўлига топширилди.

Бухородан йўлга чиққан Хайрулло уловдан тушиши ҳамано Муродникига йўл олди. Хамир учидан патир, деб унга юз АҚШ доллари берди. Мурод Хайруллога тез-тез кўнғироқ қилиб туришини тайинлаб, у билан хайрлашди. Бирок орадан икки кун ўтиб, Хайрулло-ни чакириб, катта бош-

айиқ териси борлигини оғзидан гуллаб қўйган эди, Мурод унга ҳам ишқибоз бўлиб, бу муродига ҳам эришди.

Орадан вақт ўтар, Хайрулло ичидан зил кетар, дарди, додини кимга айтишни билмасди. Шунда унинг акаси Файбулло укасини қистовга олди. Укасининг жавобларидан шубҳаланган Файбулло Хайрулло билан биргаликда Муроднинг уйига келиб, ишни битказишни, акс ҳолда олган пулларининг ҳаммасини қайтариб беришни Муроддан талаб қилди. Мурод “Хайруллонинг иши деярли ҳал бўлди. Ҳозир унинг хужжатлари

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Ўт ўчирувчилар Ургут шаҳрида ёнғин чиққан хонадонда аёл кишининг жасадини топишди. Дарҳол бу ҳақда милиция ходимларига хабар қилинди. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Ургут тумани Тегана қишлоғида яшовчи Ё. Нодир гумонланиб қўлга олинди.

Тергов чоғида у аёл билан спиртли ичимлик ичгани, маст бўлгач ўзининг шахвоний ҳирсини қондириб, сўнг хонадон соҳибасини ўлдирганини тан олди. Қотиллик изларини йўқотиш учун эса кетиш олдидан уйга ўт қўйганини рўй-рост айтиб берди. Қотил суд ҳукми билан 18 йилга озодликдан маҳрум этилди.

\*\*\*

Ярим кеча. Ургут бозори қоровули тарақлаган овоздан сергак тортиди. Қараса, икки кимса бир дўконнинг эшигини бузиш ҳаракатида.

– Тўхтанглар, нима қиялсизлар ўзи! – Бақирди у. Талончилар сирлари фош бўлишидан кўрқиб, қоровулга ташланиб тўрт марта пичоқ уришди.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Қотиллар ушланди. Улардан бири муқаддам уч марта судланган экан. Жиноятчилар тегишли жазо олдилар.

\*\*\*

Ургут–Тойлоқ йўлининг 12-километрида 35-40 ёшлардаги кишини машина уриб кетди. Жабрдийда воқеа жойида ҳалок бўлди. Ҳайдовчи эса яширинди. Аммо милиция майори Ю. Ибрагимов бошчилигидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари уни қўлга олишди. Айбдор Тошкентда яшовчи киши бўлиб чиқди.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Чиноз тумани ИИБ томонидан 1953 йилда тугилган Геннадий Тураевич КУРБА-НОВ қидирилмокда. Тошкент шаҳри Сирғали тумани “Спутник-16” даҳаси 7-уй 69-хонадонда яшаган. 2003 йил 18 сентябрь кун танишлари билан Чиноз туманига балиқ овиға бориб, бедарак йўқолган.



Белгилари: бўйи 170 см, озгандан келган, сочига оқ оралаган, кўзи кўнғир-мовий, лаби юбка.

Алоҳида белгилари: ўнг қошининг тепасида 1 см. катталикда чандик, бошининг орқа томонида нори бор. Кийимлари: эгнида жинси костюм-шим, хаворанг кўйлак, оёғида жигарранг, чарм туфли бўлган.

Г. Курбановни кўрган ёки унинг қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Чиноз тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.

## СУМАЛАК – КЎКЛАМ МЎЪЖИЗАСИ



Наврўз гаштини, дўстлар, биргаликда сурайлик, Онахонлар пиширган сумалакдан ялайлик.  
З. МАҚСУДОВ олган сурат.

Наврўз айёмини сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу таом фойдали эканлигини узок даврлар мобайнида ҳаётий тажрибасига асосланиб билиб олган халқ уни йилнинг боши – Наврўзда тайёрлашни лозим топган. Зеро, қишда ва эрта баҳорда

кўпроқ дармондорисиз таомлар ейишга тўғри келганлиги учун одам организмида уларга талаб кучаяди. Шу боис одамлар бугдойни хона шароитида ундириб, ундан дармондори ва бошқа моддаларга бой сумалак тайёрлашни кашф этишган. Сумалак

мева, сабзавот ва кўклатлар оғизга теккунча организмни керакли моддалар билан таъминловчи бирдан-бир ноёб таомдир. Уни тайёрлашга керакли бугдой сумалак пишириш маросимида иштирок этувчи хонадонлардан тўпланади. Одатда таом пишири-

лаётганда тагига олмаслиги учун қозонга етти ёки ўн уч дона тош ташлаб қўйилади. Маросим пайтида фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга бугдой майсани берилади. Улар майсани зираклари ёки қулоқларига тақиб қўядилар. Бу билан келаётган янги йилда фарзандли бўлишни орзу қиладилар. Суннат қилинмаган болалар тезроқ улғайиб, вояга етсин, деган умидда уларнинг чопонига бугдой майсаси тақиб қўйилади.

С. ШОДИЕВ.

Завроқ қишлоғилик Мавлон ака беш-олти кунга саёҳатга жўнашни хотинига айтган эди, у тутоқиб кетди:

– Даладаги беда ўримга кириб қолди. Уни йиғиштириб, уйга олиб келиб қўйинг-да, кетаверинг, – деди.

– Э хотин, тушунсанг-чи, уч соатдан сўнг поезд жўнайди.

– Йўқ дедимми, бормайсиз!

Мавлон аканинг жаҳли чиқди-да, чопонини елкасига ташлаб кўча томонга юрди... Беш кун ҳам ўтди. У совға-саломлар билан эшиқдан кириб келдию, ҳовлида-

кин ўша томонга юрдим. Тўрт бола яқинлашганимни сезишмади. “Хорманглар” дедим. Беда ўраётганлар таёқдай қотишди. Бироз жимликдан сўнг, гапга чечанроғи:

– Келинг, Фуломжон ака, – деди.

– Бу беда Мавлон аканики-ку, нега ўраяпсизлар? – деб сўрадим.

– Ҳа, Мавлон аканинг бедаси, биздан йиғиштириб беришни илтимос қилган эдилар.

– Кечаси ўраяпсизлар-ку!

– Кундузи иссиқ, ҳозир эса салқин. Унча қийналмаймиз, – деб

## ҲУШЁР ИНСПЕКТОР

(Бўлган воқеа)

ги бедани кўриб ҳайрон бўлди.

– Хотин, беда ўрилибди-ку! Уни ким ўрди? – сўради у.

– Ўзингиз тўрт болага айтиб кетган экансиз, ўшалар ўриб, машинада келтиришди. Инспекторимиз Фуломжон ҳам келди.

– Бу ерда бир гап бор, – деди Мавлон ака ичида ва совғаларни хотинига узатди. Бир оздан сўнг кўчага чиққан эди, профилактика инспектори Фуломжонга дуч келди.

– Саёҳатлар яхши ўтдимми, Мавлон ака? – кулиб гап бошлади инспектор.

– Ҳа, жуда яхши бўлди.

– Мавлон ака, тўрт болага бедани йиғиштириб, уйга олиб боришни илтимос қилганмидингиз? – деб сўради Фуломжон.

– Йўқ, айтмаганман, – деди Мавлон ака ҳайрон бўлиб. Инспектор суҳбатдошига маъноли қаради-да, гап бошлади:

– Мен кечаси далага ўтган эдим. Ой ёруғида бедангизни ўраётганларга кўзим тушди. Нарироқда машина ҳам турибди. Се-

жавоб қайтаришди. Мен атайлаб уларга: “Ҳа, баракалла, жуда савоб иш қилибсизлар, машина ҳам бор экан, ўриб бўлиб бедани уйга элтиб берсангизлар, хурсанд бўлишадим”, – дедим. Уларни таниб олганимни шаъма қилиб: “мен бориб кўраман”, – дедим. Эртасига уйингизга борсам, бедани олиб келишибди.

– Э-ҳа, бу сизнинг ишингиз экан-да, Фуломжон, – дея Мавлон ака инспекторнинг қўлини маҳкам сиқди. – Раҳмат ука, умрингиздан барака топинг. Яхши кунларингизда хизматда бўлайлик.

– Раҳматни менга эмас, бедангизни ўрганларга айтинг, мен вазирамни бажардим, холос, – деб кулиб қўйди Фуломжон.


Бу воқеага анча йиллар бўлди. Фуломжон ака ҳозир меҳнат факрийси, кексалик гаштини сурмоқда. У қачон Мавлон акани кўрса: “Бедани йиғиштириб олдингизми?” – деб кулиб қўяди.

Жалолиддин ТУРДИЕВ.  
Андижон вилояти.

## КРОССВОРД

**Бўйига:** 2. Боғловчи. 3. Шошилиш. 4. Ўч. 6. Сиқилиш. 7. Олий ҳиммат. 8. Бўшлиқ. 10. ... Абдуллаева (хонанда). 11. Югуриш спорти. 16. ... парк. 18. Нота. 19. Сўз туркуми. 20. Мелбел. 23. Икки қўлдан чиқади. 24. Бўёқ мойи. 26. Қонхўр ҳашорат. 28. Осиёдаги давлат. 29. Булут (шеърда). 30. Томон. 33. Кўрсатиш олмоши. 34. Дин ... (адиб). 37. Саводсиз. 38. Пул бирлиги. 39. Сабзавот. 40. Ҳарбий унвон. 41. Газ. 42. Томон. 43. Ҳоли... 44. Савдо маскани. 47. Эртақ қахрамони. 48. Туман (рус).  
**Энига:** 1. Ускуна. 3. Томони. 5. Қалбаки. 7. Пайғамбарга ўқиладиган хамд-сано. 9. Ўшаш сўзлар. 12. Бадбашара. 13. Йиртқич ҳайвон. 14. ... Абдулла (адиб). 15. Либериялик футболчи. 17. Тарихий астрономик асбоб. 20. Босс (рус шевада). 21. Россиядаги халқ. 22. Ташлаб кетмоқ. 23. Қўтан. 25. Оралик узунлиги. 27. Ҳангома. 31. Исм. 32. Харажат. 35. Дарё бўйи. 36. ... ҳол. 38. Ёғоч устаси. 43. Машҳур футболчи. 45. Канадалик машҳур хонанда (аёл). 46. Европадаги дарё. 49. Дарахт. 50. Таомхона. 51. Баҳор ойи. 52. Тикувчилик асбоби. 53. “... ва Димна”. 54. Зироат.

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.



**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН «БАЙРАМ КРОССВОРДИ»НИНГ ЖАВОБЛАРИ**  
**Бўйига:** 1. Бинафша. 2. Наврўз. 3. Каваток. 4. Япроқ. 5. Кўра. 6. Лазат. 7. Тандир. 8. Шарқ. 9. Анор. 10. Рақс. 11. Қўшиқ. 12. Инсон. 13. Чанг. 14. Ёқут. 15. Диёр. 16. Машшоқ. 17. Булбул. 18. Гўшт. 19. Кулги. 20. Сумалак. 21. Навоий. 22. Тасанно.  
Доирачали катаклардаги ҳикмат: **Наврўздан сўнг қиш бўлмас.**

**ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI IIV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod  
TILLAYEV**  
Mas'ul kotib  
**Rahmatilla  
BERDIYEV**

Navbatchi  
**Qobiljon  
SHOKIROV**

Sahifalovchi  
**Zokir  
BOLTAYEV**

TELEFONLAR:

Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi  
139-77-23, 59-27-15.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami

20210000700447980001,  
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
banking Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT

AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000100. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 54104 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan  
olinganligini ko'rsatish shart

● Muallifning mulohazasi tahririyat  
fikriga mos tushmasligi mumkin.  
Maqolada keltirilgan misollar,  
raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi  
uchun mualliflar javobgardirlar.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi  
va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa  
kombinatida chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

© — Internet va xorijiy  
matbuot vositalarini asosida  
tayyorlandi.